
Бугунги кунда туманимиздаги 14 та умумтаълим мактабида
анъанавий таълим жараёнлари давом этмоқда

Ўзбекистон туманида бугунги
кунда **12,17,31,37,45,48,46,60,61,63,64,66,67,68**-мактабларида ўқувчилар
анъанавий таълимни давом эттирмоқда.

Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими ҳокимлик Ахборот хизматига маълум қилди.



Туманимиздаги қолган умумтаълим мактаблари санитар ва тиббий тайёргарлиги ҳолатидан келиб чиқиб, босқичма-босқич иш фаолиятини бошлайди. Унга қадар дарс машғулоти онлайн, яъни телевизион дарслар орқали амалга оширилади.

"Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор ота-оналардан мазкур жараёнга масъулият билан ёндошишларини, анъанавий шаклда фаолиятини бошлаётган мактаблар жамоасидан санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш, фарзандларимиз ва яқинларимиз саломатлигини сақлашларини сўраб қоламиз", - дея мурожаат билан чиқмоқда туман халқ таълими бўлими.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-09-21 19:12:00